

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги З.М.Бобур номи Андижон  
Давлат университети**

**МЎМАХТ ЙЎНАЛИШИ 3 – БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ  
АСТАНАҚУЛОВ УЛУҒБЕК**

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МАДАНИЙ ВА  
МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

**Ф.Ф.Н., ДОЦ.  
Ф. ЮЛДАШЕВА**

**АНДИЖОН - 2014**

## **Режа:**

**Кириш**

**Асосий қисм**

**1.“Ўзликни англаш” ва “миллий ўзликни англаш”  
тушунчалари**

**2. Маданиятлараро мулоқот ва миллий ўзликни  
англаш**

**3.Миллий ўзликни англашнинг негизлари**

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

Миллий ўзликни англаш масаласи миллат билан боғлиқ муаммоларнинг негизи ҳисобланади. Ҳар қандай инсон қайси миллатнинг вакили бўлмасин, энг аввало, у ўз миллатининг тарихи ва келажаги билан қизиқади, ўзининг шахсий ҳаётини ундан ажралган ҳолда тасаввур эта олмайди. Унинг қалбида ўз миллатини севиш ва унга хизмат қилиш каби туйғулар мавжуд бўлади. Бу нарсалар миллий психология ва миллий онгда ўз аксини топган бўлиб, уларсиз миллий онгнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги юқорида эътироф этилган ана шу жиҳатлар билан белгиланади.

Миллий ўзликни англаш муаммоси жаҳоннинг барча мамлакатларига алоқадор бўлган интеграция жараёни суръатларининг тезлашиб бориши билан янада долзарблик касб этди. Миллий ўзликни англаш бу ўзга миллат ва унинг маданиятини инкор этиш ҳисобига эмас, аксинча, уларга ҳурмат билан қараш, бошқа миллатларнинг маданияти ва маънавиятига таққослаш, қиёслаш асосида зарур хулосалар чиқариш, уларнинг илғор томонларидан ўрнак олиш ва ўзлаштириш, уларга интилиш ва шу билан бирга ўзига хослигини сақлаб қолиш ҳисобига бўлиши лозим. Акс ҳолда миллат ўзининг чегараланган маданияти қобиғига ўралиб жаҳон интеграциясидан четда қолиб кетиши мумкин. “Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч – тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”<sup>1</sup>.

Ҳар қандай миллий маданият тизимининг таркибида ташқаридан келаётган ва маҳаллий маданиятга зид бўлган элементларни англаш, уларни танлаб олиш ва уларни “элакдан ўтказувчи филтер” вазифасини бажарувчи шундай элементлар борки, улар бевосита миллий маданият учун ҳимоя вазифасини бажаради. Улар асрлар давомида синовдан ўтган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий маданий ва маънавий қадриятлардир. Улар ахлоқий, диний, илмий, эстетик, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.114-б.

шаклларда мавжуд бўлиб, жамият ижтимоий онгининг шаклларига мос тушади ва улар миллий ўзликни англашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Миллий маданиятнинг ўзга таъсирни қабул қила олиш билан бирга ўзини ўзга маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоя эта олиш қобилияти муҳимдир. Чунки глобаллашув шароитида ўзини ҳимоя эта олмайдиган маҳаллий маданият унинг ҳоҳиш иродасидан қатъий назар унификация жараёнига тортилиб кетиши мумкин. Бундай шароитда миллатнинг умуминсоний ва илғор замонавий қадриятларни ўз миллий маданияти ва қадриятлари билан уйғунлаштирган ҳолда ўзлаштира олиш қобилиятини сақлаб қолиши муҳим. Бундай синтезга асосланган қадриятлар миллий маънавий мерос ва юксак қадрият сифатида тарихий жараёнда доим ҳам мавжуд бўлади ва ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, аксинча ривожланади, ўзгаради ва янгиликлар ҳисобига бойиб боради.

Ҳар бир миллат жаҳон цивилизацияси ва умуминсоний қадриятларга ўзлигини англаши, бошқалар билан ўзини таққослаб кўриши орқалигина алоқадор бўлади ва унга ўз ҳиссасини қўшади. “Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини қидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади”<sup>2</sup>.

## **1 “Ўзликни англаш” ва “миллий ўзликни англаш” тушунчалари**

Ўзликни англаш ва миллий ўзликни англаш муаммолари жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган интеграция жараёни суръатларининг тезлашиб бориши билан янада долзарблик касб этди. Шунини айтиб ўтиш ўринлики, миллатнинг тарихий жараёнда шаклланиши ҳодисасининг ўзи ҳам интеграциянинг натижаси ҳисобланади. Демак, миллий ўзликни англаш бугун пайдо бўлган масала эмас экан.

Фалсафа тарихига назар солсак, мутафаккирлар ўзликни англаш масаласига катта тибор берганлар. Янги даврга келиб эса миллий ўзликни ва миллий мансубликни англаш масаласига мутафаккирлар катта эътибор қаратганлар. Жумладан, қадимги юнон файлсуфи Сукрот билиш инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланиши ҳақида уқтириб ўтган. Буддавийлик, зардуштийлик, ислом диний ғояларида ҳам мазкур масала кўтарилган, деб айтиш мумкин. “Авесто”да инсоннинг ўзлигини англаш унинг тупроғи, она Ватани, табиий муҳитини севиш ва асраш билан боғлиқликда тараннум этилади: “Пайғамбар Заратуштра илоҳ Ахура-Маздадан сўради: Эй Ахура-Мазда! Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким? Ахура-Мазда жавоб берди: -Эй Заратуштра!

---

<sup>2</sup> Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи-зори.-Т.:Шарқ, 1998.366 - б.

Кимки уни (Заминни) яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа! Эй Заратуштра! Кимки ғалла экса, у Ҳақиқатни экади...”<sup>3</sup> Ислом фалсафасига мурожаат этсак, жумладан қуйидаги хадисни кўрамиз: “Кимки ўзлигини таниса, у раббини танийди”.<sup>4</sup>

Ғаззолийнинг фалсафий меросига мурожаат қилсак, мазкур масала бўйича унинг қимматли фикрларини англаймиз. У комил инсон масаласига катта эътибор бериб, комилликни бевосита ўз-ўзини англаш масаласи билан боғлайди. Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида инсон ўзини, ўзлигини таниганда, ҳамда ўзини камолга етказгандагина ўзгани ва Худони танийди, деб уқтиради.<sup>5</sup> Форобий ҳам ушбу масалага эътибор қаратган бўлиб, унинг илмий меросида миллий ўзликни англаш муаммоси кишиларнинг руҳи ва уларнинг бирлашиши натижасида кўпчиликнинг бирлашуви, унинг оқибатида эса авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворислик масалалари доирасида талқин этилади. Унинг фикрича, авлодларни бир-бири билан боғлаб турувчи ворислик, демак, авлодларни ҳурматлаш халқнинг бахт-саодатга эришиши учун манба бўлиб хизмат қилади ва фаровон ҳаёти учун шароит яратади.<sup>6</sup>

Миллий ўзликни англаш муаммолари бир қатор Ғарб мутафаккирлари Гегель, кейинроқ экзистенциалистлар – Ясперс, Сартр, Камью, рус файласуфи Бердяев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган.

Миллий ўзликни англаш тарихий жараёнда муҳим ўрин эгаллаган ҳодисалардан бири бўлиб, ўзликни англашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва миллат шаклланишининг асосий шартларидан бирини ташкил этади. Тарихга назар солсак, миллий озодлик ҳаракатлари, турли инқилоблар, инқилобий тўнтаришлар ва мустақилликни қўлга киритиш каби тарихнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бўлган бурилиш даврларида миллий ўзликни англаш ҳодисаси миллатнинг миллий онгига ва келажак маънавий тараққиётига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланган.

Ўзбекистонда ҳам ушбу масала давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янгича маъно касб эта бошлади. Чунки мустақиллик туфайли миллий ва диний кадриятларимизнинг тикланиши, миллий - тарихий маънавият ва умуман миллатимиз, миллийлик билан боғлиқ бўлган жуда кўп муаммоларга ёндашувнинг ўзи тубдан ўзгарди. Бундай ҳолат бошқа масалалар қатори миллий ўзликни англаш масаласига ҳам миллий мақсад ва манфаатларимиз, ҳамда келажак мустақил тараққиётимиз нуқтаи назаридан ёндаша олиш имконини яратди.

---

<sup>3</sup> Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида.-Т.:Шарқ 2000.5 -б.

<sup>4</sup> Носируддин Рабғузӣ.Қиссаи Рабғузӣ. 1-китоб.-Т.:Ёзувчи, 1990. 196 - б.

<sup>5</sup> Ғаззолий З.М. Кимёи саодат (“Дил ҳақиқати”).Т.,Камалак, 1995. 5-76 б.

<sup>6</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 164-165- б.

Миллий ўзликни англаш бу ўзга миллатлар ва уларнинг маданиятини инкор этиш ҳисобига эмас, аксинча, уларга ҳурмат билан қараш, бошқа миллатларнинг маданияти ва маънавиятига таққослаш, қиёслаш асосида зарур хулосалар чиқариш, уларнинг илғор томонларидан ўрнак олиш ва ўзлаштириш, уларга интилиш ва шу билан бирга ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳисобига амалга ошиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда миллат ўзининг чегараланган маданияти қобиғига ўралиб жаҳон интеграциясидан орқада қолиб кетиши мумкин.

Маълумки, Республикамиз Президенти И.А. Каримов миллий ўзликни англаш масаласига катта эътибор қаратади.<sup>7</sup> Унинг бир қатор асарларида акс этган миллий ўзликни англаш масаласига муносабати ушбу муаммони ёритишда олимларимиз учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин: “Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни англаш жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажралмас қисмидир”.<sup>8</sup>

Миллий ўзликни англаш ўзликни англашнинг асосий шакли. Ўзликни англаш ўзини бошқалар билан қиёслаш ва бошқалардан ажрата билиш орқали амалга ошади. Бу жараёнда миллий ўзликни белгилаб берувчи асосий белгилардан бири – миллий маданият ва маънавиятдир. Миллий маданият ва маънавият асрлар давомида шаклланган ва ривожланиб келган, тарихий даврлар оша ўзини оқлаган ва синовдан ўтган қадриятларни, анъаналарни ўз ичига олади. “Миллий ўзликни англаш ҳар бир миллат вакилининг экзистенционал борлиқда ўз ўрнини идрок этиши, умумий маданий негиз, қадриятларни ҳал этиш ижтимоий тарихий ва маънавий – маданий тараққиёт ўзининг яратувчанлик фаолияти тараққиёт талаблари нуқтаи назаридан рационал ташкил этиш, бошқариш зарурлигини англашидир”.<sup>9</sup> Кўриниб турибдики, муаллифнинг уқтиришича, миллий муносабатлар, миллий ўзликни англаш жаҳон цивилизацияси, бошқа халқларнинг маданияти ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқликда амалга ошиши мумкин экан.

Миллатнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни унинг бошқа миллатлар ва халқлар билан ўзаро алоқаларисиз ёки интеграция жараёнига тортилмасдан юз бериши мумкин эмас. Чунки у ўзининг ижтимоий ҳаёти давомида бошқа миллатлар билан

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998; Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.;

<sup>8</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 196- б.

<sup>9</sup> Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий – сиёсий жараёнлар. Т.: Академия, 2007. 14- б.

ижтимоий муносабатларга киришга мажбур. Миллат қанчалик катта ёки кичик бўлмасин, ўзининг қобиғига ўралган ва чекланган доирада тараққий эта олмайди.

Бошқа миллатлар билан ўзаро таъсирга кираётган миллат ҳам ва таъсир этаётган миллат ҳам ўзгаради ва тараққий этади. Бундай ўзаро таъсирнинг қай даражада ижобий ёки салбий бўлиши бир қатор омилларга боғлиқ: мазкур тарихий даврнинг шарт-шароитлари, миллатнинг фаоллиги, миллий етакчилар фаолияти, жамиятда демократик тамойилларга амал қилиниши, табиий – географик муҳит ва бошқалар.

Баъзан ташқаридан келаётган таъсирлар тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тарзда миллий маънавият ва маданиятга катта путур етказиши ҳам мумкин. Шу сабабга кўра Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима иш қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим.”<sup>10</sup> Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ушбу сўзлари глобаллашув даврида миллий маънавият ва маданиятни, қадриятларни ҳимоя этиш ва асраб қолиш билан боғлиқ муммоларни назарий жиҳатдан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ўзликни англаш муаммоси миллий онг масаласига ҳам алоқадор. Миллий онг - анланган онг. Миллий ўзликни англаш ўзини баҳолаш ҳамдир. Бундай баҳолаш жараёни эса миллий онгсиз амалга ошмайди. Миллий онг анланганлиги туфайли ҳам барқарор ҳисобланади. Барқарорлик эса маълумки, ўзини ҳимоя эта олиш қобилятига эга.

Миллий онгнинг таркибида қандай элементларга кўпроқ эътибор қаратилиши зарурлиги масаласини тўғри ҳал этилишининг аҳамияти муҳим. Унинг қайси жиҳатлари асосий бўлиши ва у қандай йўналган бўлиши кераклиги ҳақида савол туғилади. Бу соҳада фақат миллий тарихий қадриятлар билан ёки аксинча, замонавий илғор қадриятлар билан чекланиб қолиш нотўғри бўлади. Жамиятнинг миллий онги энг аввало, миллий маънавий қадриятларимиз, давлатимизнинг бугуни ва келажаги учун хизмат қилувчи диний қадриятларимиз, миллатимизнинг фалсафий-илмий, эстетик ва ҳуқуқий - ахлоқий меросига ҳамда санаб ўтилган омилларга асосланган миллий

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.17- б.

истиклол ғоясига, демократик кадриятларга таянган ҳолда шаклланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бир қаторда миллий тарихий кадриятлар замонавий ва илғор умуминсоний кадриятлар, прогрессив демократик кадриятлар билан уйғунлашган тарздагина жамиятимиз юксак маънавиятга, демакки, тараққиётга эришиши мумкин. Шундай ҳолда тарихий тараққиётнинг узлуксизлик тамойили асосида ҳам тарихий мерос, ҳам ҳозирги замоннинг илғор маънавияти ва келажакка хизмат қилувчи идеаллар бирлашган ҳолда жамиятнинг ижтимоий онгини йўналтиради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, миллат фақат ўзининг миллий мероси билангина чекланиб қолмасдан дунё ҳамжамияти томонидан яратилган маънавий – маданий бойликлардан ҳам баҳраманд бўлади ва ривожланади. Ана шу йўл давлатимиз келажакда дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторидан муносиб жой олишига ёрдам бериши мумкин. Бу йўл Ўзбекистонда қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятини, юксак демократик мамлакатни барпо этишга замин ясайди.

“Мамлакатда фуқаролик дунёси ва миллий келишув сиёсатини олиб боришга имкон яратувчи бошқа турдаги ижтимоий онгни ташувчиларнинг ғоялари, қарашлари ва кадриятлари билан кенг мулоқот қобилятини кўрсата олган онгина тарихий истикболга эга бўлган ижтимоий онг бўла олади. У тарихий истикболга эга бўлиб, мамлакатда ижтимоий, маънавий ва мафкуравий бирликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”.<sup>11</sup> Миллий онгни ижтимоий оннинг бошқа турлари билан ҳамда улар акс эттирувчи турли маданият ва кадриятлар билан мулоқот қила олиши унинг келажак тараққиёти учун кенг имкониятлар яратади. Бу борада миллий ондан ўзгача маданият ва кадриятларни акс эттириш билангина чекланиб қолмасдан улар билан мулоқот қила олиш потенциалига ҳам эга бўлиши талаб этилади.

Бу борада Президентимиз И.Каримов томонидан айтилган қуйидаги фикрлар миллатимиз олдида турган вазифаларни янада аниқроқ ифода этади: “Тўққизинчи - ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, Муҳаммад ал-Хоразмийлар, Абу Райҳон Берунийлар, Абу Али ибн Синолар, Улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган шаклда қайтадан тиклашимиз лозим”.<sup>12</sup>

---

<sup>11</sup>Леонова О.Г. Вызовы глобализации и актуальные тренды общественного сознания в России XX века. Социально – гуманитарные знания. 2008, № 1.-С.17.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Т.:Ўзбекистон, 1998.25- б.

Мустақиллик туфайли кўлга киритилган иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий омиллар миллий онгни ҳозирги замон руҳига мос равишда шакллантириш ва ривожлантириш йўлида асос яратади. Жамиятда миллий – маънавий тараққиётимиз учун ҳар томонлама имкониятлар юзага келди. Аммо бу давр ўзининг маълум мураккабликларига ҳам эга. Чунки жамият бир вақтнинг ўзида мустақиллик дунёқарашини, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, ҳамда глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши курашиш, маънавий – маданий ва миллий ҳимояланиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга ошириши зарур бўлади. Бу йўлда миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш борасида қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

- миллий маънавий қадриятларга диалектик ёндашиб бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш, зарур бўлганда қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш ;

- қадриятларга баҳо бериш ва танлаб олишда уларнинг бугунги глобаллашув шароитида қанчалик прогрессив потенциалга эга эканлиги ва келажак учун қандай хизмат қила олиши, жамиятнинг маънавиятини юксалтиришга ҳиссаси, маънавий хавфсизликни ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш;

- қадриятларга миллий ўзликни англаш жараёнидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш;

- анъанавий миллий қадриятларни замонавий прогрессив демократик қадриятлар билан бирга қўшган ҳолда, умуминсонийлик, миллийлик ва демократияни ҳамда миллий истиқлол ғоясининг уйғунлигини, уларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги ва асосланиши зарурлигини ифода этувчи глобал дунёқарашни шакллантириш;

Қайд этилган масалалар, жамиятнинг умуминсоний демократик қадриятларни қабул қила олиш қобилияти масаласи муҳимдир. Жумладан, сиёсатшунос олим Р.Жумаев сиёсий эркинлик ҳақида таъкидлаб, жамиятни уни қабул қилишга тайёрлаш зарур деб ҳисоблайди. Унга эришишнинг йўллари узоқ давом этувчи маърифий жараёнлар ва иқтисодий ўзгаришлар орқали амалга ошиши мумкинлигини таъкидлайди.<sup>13</sup>

Гап глобаллашув жараёнига қарши курашиш ҳақида эмас, балки ушбу жараённинг миллий маънавиятга, демак миллий ўзликни англашга салбий таъсир этувчи оқибатларига қарши курашиш ва улардан ҳимояланиш ҳақида бормоқда. Чунки

---

<sup>13</sup> Қаранг: Джумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. - Т.: Фан, 1996. -С.99.

инсониятнинг ўзи интеграция жараёнлари билан қанчалик боғлиқ бўлса, глобаллашув жараёни билан ҳам шунчалик боғлиқ.

Инсоният тарихи ушбу объектив ва қонуний жараёни четлаб ўта олмайди. Янги маданият даврининг иқтисодий – ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий тараққиётнинг талаблари, ва манфаатлари асосида ривожланади. Бундай эҳтиёжлар ўз-ўзидан объектив равишда глобаллашувнинг кириб келишига сабаб бўлади. Ҳозирги даврда жаҳон интеграция жараёнига қўшилмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ва миллат глобаллашув жараёнига ҳам тортилади. Ундан йироқлашишга ва бу жараёнга қўшилмасликка ҳаракат қилган субъектлар эса жамиятнинг тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлишлари мумкин. “Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамят билан тинч – тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”.<sup>14</sup>

Турли миллатларнинг маданиятлараро мулоқоти давомида миллий маданият ўзини англайди, унда ўзини бошқа маданиятлар билан солиштириш, баҳолаш ва қайта баҳолаш имкони туғилади. Бундай диалог маҳаллий маданиятга ўзининг консерватив ва айрим догматик томонларини тушуниб етишга ва ўзига нисбатан танқидий ёндашишга ёрдам беради. Миллат ва миллий маданият идентификацияси маданиятлараро мулоқотсиз ва диалогсиз амалга ошмайди.

Ҳар қандай маданият бундай сифатда яшай олиши, ўзининг моҳиятини ва хусусиятларини сақлаб қолиши ва тараққий эта олиши учун у бир вақтнинг ўзида турли маданиятлар чегарасида мавжуд бўлиши, улар билан диалогга кириши, қўйилган долзарб саволларга жавоб бера олиши ва шундай йўл билан ўзини намоён эта олиши зарур.<sup>15</sup> Акс ҳолда бошқа маданиятларнинг таъсиридан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида атрофига тўсиқ қўйиб “беркиниб олишга” ҳаракат қилмоқчи бўлган миллат ва маданият замонавий интеграция жараёнларидан ва тараққиётдан орқада қолади.

Ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида глобаллашувнинг чуқурлашиб ва кенгайиб бориши, турли давлатлар ва миллатларнинг тобора бу жараёнга тортилиши унга акс таъсир сифатида миллийлик билан боғлиқ бўлган соҳаларни кескин ўзгартириб

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.:Маънавият, 2008.114 - б.

<sup>15</sup> Библер О. От наукоучения к логике культуры: два философских введения в двадцать первый век.М.: Политиздат, 1991. –С.285.

юборди. Миллатнинг глобаллашув жараёнига кириб бориши бир томондан интеграция, миллий интеграция, бошқа миллатлар ва уларнинг маданиятлари билан алоқадорлик чегараларининг кенгайиши каби глобаллашувнинг ижобий жиҳатларини олиб келади. Аммо иккинчи томондан, глобаллашув ва миллийлик муносабатларида бу жараённинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш ва зарур бўлганда, уларга қарши кураш масаласини ҳар бир миллат олдига долзарб масала сифатида қўяди. Мазкур масаланинг ечими миллий ҳимояланиш усуллари ва механизмларини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам глобаллашув жараёнининг миллийликка таъсирини муҳим фалсафий масалалардан биридир.

## **2 Маданиятлараро мулоқот ва миллий ўзликни англаш**

Маданиятларнинг ўзаро мулоқоти бевосита миллий ўзликни англаш масаласи билан узвий боғлиқ. Чунки глобаллашув жараёнида маданий мулоқот хусусиятларининг глобаллашув фойдасига ўзгариб бориши, бундай мулоқотда қисман табиийликнинг йўқолиб бориши кишиларнинг миллий онги ва умуман ўзликни ҳамда миллий ўзликни англаш ҳодисасига таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг қай даражада ижобий ёки салбий бўлиши миллий ва миллий аксиологик онгнинг тараққий этиш даражаси билан боғлиқ.

Бу нуқтаи назардан бошқа маданиятлар таъсирида ўзгара олмайдиган ўз қобиғига ўралган маданият ҳам ривожланмайди. У узоқ вақт давомида ихоталанган ҳолда яшаса, бошқа маданият таъсирида ривожлана олиш қобилятини ҳам йўқотиб боради. Бундай шароитга тушиб қолган маҳаллий миллий маданият замонавийликдан, илғор маданият ва технологиядан, глобаллашувнинг миллат равақига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган прогрессив таъсирларидан ажралиб қолиши мумкин. Чунки миллий маданиятнинг бойиши ва ранг-баранглиги унинг янги элементларни қабул қилиш ҳисобига кенгайиб боради.

Маълумки, ҳар қандай ранг-баранглик ва турли-туманликнинг моҳияти бирхилликнинг моҳиятидан кўра бойроқ. Бу нуқтаи назардан бир томонлама сунъий тазйиқ ва зўракиликдан озод бўлган глобал маданият турли маданий элементлардан ташкил топганлиги учун ҳам бойроқ. Яъни уни турли-туманликдан ва ранг-барангликдан иборат бўлган бир хил маданий тизим сифатида эътироф этиш мумкин.

Ташқи таъсирни қабул қила олиши ва унга акс таъсир кўрсатиб “жавоб бера олиши” учун маҳаллий миллий маданият маълум зарурий базага, уни инъикос имконияти билан таъминловчи анъанавий маданият ва миллий қадриятларга асосланган фундаментга эга бўлиши зарур. “Халқлар, миллатларнинг ўзлигини англаш даражаси билан цивилизация ривожига ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Миллат ўзини қанча юқори даражада англаса, цивилизациянинг ривожига, уни ҳар хил нохуш ички ва ташқи сабаблардан сақлашга, ўзлигини асрашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзликдан узоқ, уни англамаган халқлар, миллатлар ўзлигини йўқолишига сабаб бўладиган турли хил таъсирларга ҳам бефарқ бўлиши, лоқайдлик билан қарашлари мумкин”<sup>16</sup>.

Тарихий жараёнда ўз долзарблигини йўқотмаслиги ва барча авлодларнинг ижтимоий-маданий талабларини ҳам қондира олиши учун ҳар қандай миллий маданият бошқа миллатлар ва уларнинг маданиятлари билан доимо мулоқотда бўлиши, уларнинг прогрессив ва илғор томонларини ўзлаштира олиши керак бўлади. “Ўзаро инсоний муносабатлардаги каби сўз бошқа “сен”ни “сен” сифатида англаш, яъни унга бизга ниманидир айтиш имконини бериш ва у айтган нарсани эшитиш каби тарихий билишда ҳам объективистик четланиш эмас, бошқа даврни эшитиб кўришга тайёрлик талаб этилади”.<sup>17</sup> Бундай мулоқот маҳаллий маданиятнинг яшовчанлигини белгилаб беради, унинг менталитети ва ўзига хослигига путур етказмаган ҳолда моҳиятини бойитади ва келгуси тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай миллий маданият тизимининг таркибида ташқаридан келаётган ва маҳаллий маданиятга зид бўлган маданий элементларни англаш, уларни танлаб олиш ва уларни “элакдан ўтказувчи филтр” вазифасини бажарувчи шундай элементлар борки, улар бевосита миллий маданият учун ҳимоя вазифасини бажаради. Бундай элементларни асрлар давомида синовдан ўтган ва авлоддан авлодга ворислик йўли билан ўтиб келаётган миллий маданий ва маънавий қадриятлар ташкил этади. Улар асосан ахлоқий, диний, илмий, эстетик, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларда мавжуд бўлиб, жамият ижтимоий онгининг шаклларига мос тушади.

Бу тизимда умуминсоний қадриятлар қандай ўринга эга?, деган табиий савол туғилади. Айнан умуминсоний қадриятлар барча миллатларнинг ҳам миллий қадриятларига мос тушади, уларнинг моҳияти миллий қадриятларнинг моҳиятига зид эмас, аксинча, улар турли миллатлар ва мамлакатларнинг маданиятларини ўзаро бири бири билан боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Масалан, диний қадриятлар ёки

---

<sup>16</sup> Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Т.: Академия, 2000. 43-44 - б.

<sup>17</sup> Гадамер Х. Истина и метод. М.: Наука, 1988. –С.425.

илмий қадриятларни олсак, уларнинг барчаси ҳам умуминсоний характерга эга бўлиб, улар миллий маданиятнинг ривожланишига фақат ижобий таъсир этади.

Миллийликнинг хусусияти ва моҳиятини белгилаб берувчи ҳодисалар доирасида ортиқча очиклик ва толерантликка урғу беришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки бундай ҳолда миллат ва миллий маданият ўзига хослигини ва қайтарилмаслигини хавф остига қўйиб қўйиши ва ўзга таъсир натижасида бутунлай моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Чунки ҳар қандай миллийлик моҳиятига эга бўлган ҳодиса, шу жумладан маданият ҳам барқарордир. У миллийлигини йўқотиб бориши билан ўз барқарорлигини ҳам йўқотиб боради. Глобал маданият эса очик бўлганлиги ва ўта толерантлиги учун ҳам барқарор эмас. “Айтиш мумкинки, реал жамият ўз фуқароларининг толерантлиги ҳисобига қайта ишлаб чиқарилади, лекин ривожланиш диалогни талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, толерантлик биргаликда тинч яшашнинг шарти, диалог ривожланишнинг шарти ва талаби”.<sup>18</sup> Демак, толерантлик ва бошқа маданиятга нисбатан ҳар қандай очиклик ўзининг маълум чегараларига эга бўлиши керак экан, акс ҳолда миллатларнинг ва кишиларнинг ўзини идентификация қила олиш қобилияти хавф остида қолади.

Ҳар қандай миллат умуминсоний қадриятлар ва илғор замонавий қадриятларни ўз миллий маданияти ва қадриятлари билан уйғунлаштирган ҳолда ўзлаштира олиш қобилиятини доимо сақлаб қолишга интилиши лозим. Ана шундай шароитда шаклланган қадриятлар миллий маънавий мерос ва юксак қадрият сифатида тарихий жараёнда доим ҳам мавжуд бўлади ва ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, аксинча улар ривожланади, ўзгаради ва бойиб боради. Улар жамият ва инсон тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Демак, жаҳоннинг илғор ва прогрессив маданиятини унумли қўллаган ҳолда маҳаллий анъанавий маданиятнинг ҳам издан чиқишига йўл қўймаслик, бу икки йўналишни бир-бири билан уйғунлаштириш миллатнинг юксак тараққиётга эришиш йўллари билан бирдир.

Жаҳон маданияти ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштира оладиган (ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган) миллатлар ўз маънавияти ва миллий қадриятларини ҳам тараққий эттиришга қодирлар. Чунки улар жаҳон цивилизацияси ва умуминсоний қадриятларга ўзининг миллий маданияти орқалигина алоқадор бўла олишлари ва унга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Ҳар қандай миллий маданият ўзига хослигини англаш ва бундай ўзига хосликни сақлай олиш орқалигина жаҳон маданиятлари сафидан жой олиши, шундагина миллат ўз маънавияти ва маданиятини

---

<sup>18</sup> Рац М. Диалог в современном мире. Вопросы философии. 2004, № 10.-С.27.

бошқа миллатларнинг маданиятига таққослаб кўриш, уларни ўрганиш ҳисобига ўзи ҳам ривожланиши, ҳамда жаҳон маданияти ва цивилизацияси тизимига қўшила олиш имкониятига эга бўлади. “Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, таракқиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини қидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади.”<sup>19</sup>

Жаҳон маданият тизимининг ўзи ҳам якка ҳолдаги турли миллий маданиятнинг қайтарилмас ва ўзига хос дурдоналаридан ташкил топган. Бундай сифатда жаҳон маданият ва цивилизация тизими турли миллий маданиятларнинг синтези асосида вужудга келган. У объектив шаклланган тизим сифатида ўзининг диалектик ривожланиш қонуниятларига ва тамойилларига эга. Унда барча миллатлар турли – туман маданиятларнинг хусусиятлари бирлашади ва акс этади. Мазкур шаклда у турли-туманликка асосланган бирхиллик моҳиятига эга бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бундай турли маданиятлардан (элементлар ёки қисмлардан) ташкил топган тизимни (бутунни) ўзаро маданий мулоқотга ва синтезга асосланган маданий квинтэссенция деб айтиш мумкин.

Бундай маданий квинтэссенцияга ислом маданиятининг мамлакатимиз ҳудудига ёйилиши ва унинг маҳаллий маданият билан синтезлашиб кетганини мисол қилиш мумкин. Ислом дини Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудига кириб келгандан сўнг маҳаллий маданиятга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Дастлаб араб босқинчилари ва ислом ғояларининг тарқалишига қарши кенг курашлар бўлиб ўтди. Чунки маҳаллий халқ ўзининг диний қарашлари, урф – одатлари ва эътиқодига эга эди. Вақтлар ўтиб ислом ғоялари маҳаллий этник гуруҳларнинг онгидан жой олди. Турли этник гуруҳлар энди ўзларини ислом маданияти билан идентификация эта бошладилар. Бу эса бир – бирига зид бўлган турли миллий кайфиятларнинг тўқнашувини олдини олди ва диний – этник бирликни шакллантиришга ёрдам берди. Бу жараёнлар оқибатида шундай “маданий қатлам” шаклландики, ушбу қатлам Шарқ Ренессансига асос солган цивилизациянинг ривожланишига кучли туртки бўлди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, ислом маданиятининг ўзи ҳам маҳаллий маданиятнинг кучли таъсирига учради. Унга маҳаллий халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, ахлоқий тизими ва бошқалар акс таъсир кўрсатди.

Ислом дини ҳудудимизга қилич билан кириб келган бўлсада, қисқа тарихий давр ичида у босиб олган ҳудудларида кучли илмий маҳаллий потенциалга эга бўлди ва янги илмий-маданий фундамент билан Марказий Осиёдан Макка ва Мадинага қайтди.

---

<sup>19</sup> Ч.Айтматов, М.Шохонов.Чўққида қолган овчининг оҳи-зори.-Т.:Шарқ, 1998.366 - б.

Ханафия мазхабининг, кейинроқ эса Нақшбандия тариқатининг таълимоти ва мамлакатимиз худудида яшаб ижод этган Имом Абу Асо ат-Термизи, Махмуд аз Замахшари, Нажмиддин Қубро, Бахоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Вали, Имом ал Мотурудий каби бир қатор буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди бунга яққол мисол бўла олади. Уларнинг қарашлари ва яратган асарлари асосида ислом маданияти ва фалсафаси янада тараққий этди. Илдизлари бизнинг юртимизга келиб тақаладиган тариқатлар эса ислом илмини янада юксакликка кўтарди. Демак, бир томондан У11 асрга келиб арабларда адабиёт, тил, ижод, фалсафа, ҳуқуқ соҳаларининг ривожланиши эвазига араб маданияти ривожланди, иккинчи томондан араблар эгаллаган ҳудудларда қадимий анъаналарга асосланган маданий марказлар арабларнинг маданияти ва маънавиятининг тараққий этишига улкан таъсир кўрсатди. Биргина Маъмун академиясининг ўзи бунинг ёрқин мисолидир.

Фирдавсий, Ибн Сино, Беруни, Форобий каби буюк мутафаккирларнинг ижоди, уларнинг фаолияти натижасида юнон тилидан кўплаб илмий-фалсафий асарларнинг таржима қилиниши эвазига илм-фан гуллаб яшнади. Бу жараёнларга маҳаллий халқнинг толерантлиги ва арабларнинг маҳаллий маданиятга ижобий ёндаша олганлиги ва бунинг натижасида кўп нарсани ўрганганлиги сабаб бўлди. Ислом маданияти ўзи тараққий этиши билан бир қаторда Европа цивилизациясининг ривожланишига ҳам кучли туртки берди. Шарқ олимларининг илмий фаолияти таъсирида Европада ҳам медицина, аниқ фанлар, фалсафа ривожланди. Дастлабки университетлар ташкил топди. Қайд этилган жараёнлар маданиятлараро мулоқотнинг улкан натижалари ва ютуқларидир.

Миллатнинг асосий белгиси ҳисобланган ҳар қандай миллий маданият асосида янгиликка интилувчи миллий ижодий кучлар сақланиб қолади. Бу кучлар миллий қадриятлар ва анъаналарга, миллий турмуш тарзи ва миллий психологияга асосланади. Демак, миллат қайд этилган омиллар асосида сақланади ва қайта сақланади. Унинг миллийлигини таъминлаб турувчи бундай асосларнинг элементлари авлоддан-авлодга ўтгани сари сақланибгина қолмасдан тараққий ҳам этадилар.

Ҳар қандай демократия миллийлик ва умуминсонийликни тараққиётнинг асосий тамойилларидан бири сифатида тан олади. ”Ўзининг миллий-маънавий қадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, айна пайтда умуминсоний қадриятлар, принциплар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия деб бўлмайди”.<sup>20</sup> Тараққиётнинг демократик тамойиллари албатта, ҳар бир халқнинг ўзига хослиги ва менталитетини ҳисобга олиши шарт. Акс ҳолда ҳақиқий демократик қонунларга амал қилинмайди. “Албатта, дунё тараққиётида демократия умуминсоний қадрият сифатида турли халқлар,

---

<sup>20</sup> Эргашев И.Сиёсат фалсафаси.Т.:Академия нашриёти, 2004.117-118 - б.

миллатлар тафаккури ва турмуш тарзига сингган, эътироф этилган, ва шунга мос эътибор берилаётган, амал қилиб келинаётган бошқариш услубидир. Бу умумий қонуният. Айтиш пайтда, ана шу умумий қонуниятнинг иккинчи муҳим бир жиҳатини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзи, менталитети, демократияни ҳис этиш, англаш, тушуниш ва унга амал қилиш хусусиятининг мавжудлиги билан боғлиқ”<sup>21</sup>.

Ғарб вестернизацияси бошқа жамиятларнинг ўзига ҳослигини, менталитетини ва миллий маданиятини кўр-кўрона инкор қилишга ва уларга етарлича баҳо бермасликка интилаётган бир даврда, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Таиланд каби давлатлар юксак иқтисодий-маданий тараққиётга эришмоқдалар. Улар ўз миллий хусусиятларини, тарихий маданияти ва маънавиятини сақлаган ҳолда фан-техниканинг илғор ва прогрессив ютуқларини ҳам ўзларининг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзига жорий этмоқдалар. Демак, традиционализм асосидаги модернизация кўп жиҳатдан миллийликни сақлаб қолишнинг усулларида бири сифатида глобаллашув жараёнида анъанавий жамиятлар учун қўл келмоқда. Бу ҳолат модернизация фақат ғарбий модернизация сифатида мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкинлигини яна бир марта исбот қилмоқда.

### **3 Миллий ўзликни англашнинг негизлари**

Ўзбекистонда мустақиллик қарор топгач маънавият соҳаси жамият тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлиги остида иқтисодий ва сиёсий ислохотларни маънавий ислохотлар ҳамда давр руҳига мос равишда маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш билан биргаликда олиб бориш давлатимиз сиёсатининг асоси бўлди. Бундай йўлнинг танланишидан мақсад - Ўзбекистонни кучли демократик ва эркин фуқаролик жамиятига айлантиришдан иборатдир. Демак, давлатимиз томонидан демократик, миллий маънавий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги бу соҳадаги асосий тамойил сифатида танланиб олинди.

Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда азалдан маънавият иқтисодиёт соҳаси билан бир қаторда ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланган. Айниқса, ўтиш даври ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида жамият субъектларининг маънавияти жамият тараққиётини белгиловчи ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлар жамият ва шахснинг юксак маънавияти билан

---

<sup>21</sup> Ўша жойда. 118-119 - б.

уйғунлашган тарздагина жамиятнинг юқори иқтисодий тараққиётга эришувини таъминлайди.. Маънавиятга таяниш ўтиш даврининг қийинчиликларини жамият учун оғриқсизроқ енгиб ўтишга имкон яратади.

Ўзбекистон ҳозирда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бошчилигида жамиятни демократик йўлдан боровчи ва фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган тараққиётини миллатимиз тарихининг бой маданий – маънавий мероси, қадриятларига асосланган ҳолда таъминлашга интилоқда. Яъни тарихий-миллий ва анъанавий қадриятларни ҳозирги даврнинг демократик, умуминсоний ва замонавий қадриятлари билан уйғунлаштириш тамойилини Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири сифатида танланди.

Маълумки, асрлардан бери жамиятда шаклланиб келган ва кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган турли маданий-маънавий қадриятлар инсоният тараққиётининг барча босқичларида ҳам улкан рол ўйнаган. Жамият ўз эволюциясида доим ҳам ижтимоий қадриятларга таяниб келган. Қадриятлар ва жумладан миллий қадриятлар миллатнинг мавжудлиги ва миллий мавқеини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам қадриятлар айниқса, глобаллашув шароитида катта аҳамиятга касб этади. Бу нуқтаи назардан бир томондан, глобаллашув таъсирида қадриятларнинг ўзи трансформацияга учраб ўзгариб борса, иккинчи томондан, мавжуд миллий қадриятлар тизими миллатнинг ҳаёти, маданияти, маънавияти, тили, манфаатлари, бир сўз билан айтганда, миллатнинг этномавқеини сақлаб қолишга ёрдам берувчи ижтимоий омиллардан бири сифатида қараш мумкин.

Демак, қадриятлар жамиятнинг бугунги тараққиёт босқичида глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоя эта олувчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Глобаллашув ва қадриятлар, уларнинг ўзаро таъсири масаласи ижтимоий фанлар соҳасида ўрганиладиган муаммоларнинг асосийларидан бири, деб айтиш мумкин. Жумладан глобаллашув муаммосига жиддий ёндашув ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланди. Аммо муаммонинг ўзи ижтимоий-фалсафий фанлар тарихида доим ҳам ўрганиб келинган.

Жамиятнинг қадриятлар билан боғлиқ соҳасини таҳлил этиш жараёнида ҳамда бу соҳа билан боғлиқ бўлган бошқа ҳодисаларни ўрганиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган маънавият концепциясига назарий-методологик асос сифатида таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур концепция маънавий тараққиётнинг қуйидаги асосларини ўз ичига олади:

- *умуминсоний қадриятларга содиқлик;*
- *халқ маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожланатириш;*
- *инсон потенциалини эркин реализация қилиш;*

- ватанпарварлик<sup>22</sup>.

Ушбу концепцияни жамиятнинг маънавий тараққиёти, маънавий тикланиши ва янгиланиши, миллий қадриятларни асраш ва сақлаш дастури сифатида қараш мумкин. Бу концепция миллий манфаатларимизни ифода этган ҳолда миллатимизнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига жавоб беради. Демак, маънавият “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. ... Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”<sup>23</sup>.

Мустақилликка эришилганидан сўнгги даврда Ўзбекистон ҳаётида тубдан иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Уларга асосланган ҳолда миллатимиз ўзининг миллий ўзлиги, маънавияти ва миллий қадриятларига қайтди, диний қадриятларини қайтадан тиклади. Ўзининг миллий манфаатларини чуқурроқ ва кенгроқ англай бошлади. Бу жараёнлар билан боғлиқ тарзда қадриятлар ҳодисаси мамлакатимиз ва миллатимиз тарихининг барча босқичларида бўлгани каби янада долзарблик хусусияти касб этди.

“Қадрият” - ижтимоий-фалсафий фанларнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим соҳаларидан бирини ифода этади. Қадриятлар Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий тараққиётнинг муҳим ва устувор ҳодисалардан бири деб тан олинган. Демократияга асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият қадриятларга суянмасдан ўз олдиға қўйган вазифаларини амалға ошира олмайди. Шу нуқтаи назардан қадрият ҳодисасининг илмий-фалсафий таҳлил этиш жамият тараққиётининг ҳозирги даври ва келажак тараққиёти учун назарий ва амалий аҳамиятға эға.

Қадриятлар масаласини ўрганишнинг муҳимлиги бугунги кун талаби эканлигидан келиб чиқиб, деярли барча таълим муассасаларида ўқув дастуриға ушбу муаммоларни ўрганиш киритилган. “Қадрият” фалсафий тушунча бўлиб, унда жамият ва шахс учун маълум аҳамиятға эға бўлган моддий ва маънавий (ахлоқий, диний, эстетик, илмий, сиёсий дунёқараши, ўз-ўзини англаши, фаолияти ва объектив оламға муносабати кабилар) ҳодисалар турли шаклларда ифодаланади.

Қадриятлар соҳаси мураккаб тизимдан иборат бўлиб, у турли элементлар ва шаклларни ўзида бирлаштиради. Қадриятлар энг аввало, моддий ва маънавий турларға бўлинади. Моддий қадриятлар тизими ҳам ўз навбатида табиий бойликлар, инсон қўли билан яратилган моддий бойликларға бўлинади. Яна қадриятлар миллий, умуминсоний ва шахсий қадриятлар шакллариға бўлинади.

Қадриятлар тизимининг муҳим элементларидан бири маънавий қадриятлар ҳисобланади. Маънавий қадриятлар ҳам ўз навбатида эса ахлоқий, диний, санъат, фан,

---

<sup>22</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-Китоб.-Т.: Ўзбекистон, 1996.

<sup>23</sup>И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-китоб, Т., 1996.80-81- б.

сиёсат, ҳуқуқ ва фалсафий шаклларга бўлинади. Қадриятларга миллийлик нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, улар умуминсоний ва миллий қадриятларга бўлинади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар учун ҳам аҳамиятли бўлган ҳодисалар: дин, эркинлик, тинчлик, демократия, ҳамжиҳатлик, толерантлик ва бошқаларни ўз ичига олади. Миллий қадриятлар эса миллат учун муҳим бўлган ва миллатнинг этностатусини сақлаб туришга ёрдам берувчи миллий маданият, анъаналар, урф-одатлар, миллий тарих, менталитет ва ҳ.к.ларни бирлаштиради. Буларнинг барчасини биргаликда маънавий қадриятлар сифатида эътироф этишимиз мумкин. Маънавий қадриятларнинг муҳим элементларидан бири диний қадриятлардир. Диний қадриятлар умуминсоний қадриятларнинг асосий элементларидан бири бўлиб, жамият тарақиётининг барча тарихий босқичларида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари маънавий қадриятларнинг элементлари қаторига энг умумий тарзда ҳис-туйғу, кайфият, одоб, ишонч, эътиқод, билим, эрк кабиларни киритиш мумкин. Маънавий қадриятларнинг шакллари энг умумий ҳолда ахлоқий, диний, эстетик, илмий, сиёсий, ҳуқуқий ва фалсафий шаклларга бўлиш мумкин. Бир қараганда маънавият маданият билан бир хилга ўхшайди. Аммо маданият маънавий маданият билан бир қаторда моддий элементларни ҳам ўз ичига олиши билан фарқланади. “Маданият” тушунчаси “маънавият” тушунчасидан кенгрок. “Қадрият” тушунчаси эса бу иккала тушунчалардан кенгрок. Улар моҳиятан бир-бирига яқин. Маънавий маданият маданиятнинг таркибий қисмига киради ва бу тушунча маданиятнинг турларидан бирини ифода этади. Маданиятнинг бундай турлари эса биргаликда қадриятлар тизимининг асосини ташкил этади.

Фалсафа ва аксиологияда қадриятларнинг турлари ва шакллари масаласини ҳал этиш муҳимдир. Айтиб ўтиш жоизки, бу масалада тадқиқотчилар ўртасида бир хил фикрлар ва ёндашувлар кам бўлиб, улар қадриятларнинг турли классификациясини (туркумлаш) таклиф этадилар. Қадриятлар масаласига бағишланган барча фалсафий адабиётларда уларни асосан моддий ва маънавий, умумбашарий, умуминсоний ва миллий турларга бўлинади. Айрим тадқиқотчилар қадриятларни яна умумбашарий ва ҳудудий турларга ҳам ажратадилар. Бизнингча, энг умумий маънода қадриятлар классификациясини моддий ва маънавий, умуминсоний ва миллий турларга, уларни эса яна турли шаклларга бўлинса тўғрироқ бўлади.

Қадриятларни қуйидагича таърифлаш мумкин: моддий ишлаб чиқариш тизимида яратиладиган ҳамда жамият ва инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган қадриятларни моддий турга ажратилади. Умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар – барча давлатлар ва халқлар учун тарихий тарақиётнинг ҳамма даврларида ҳам аҳамиятга молик бўлган қадриятлардир. Миллий қадриятлар эса маълум бир миллатнинг тарихи ва ҳаётига тегишли бўлган ва миллий эҳтиёжларини қондиришга имкон берувчи қадриятлардир.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, бу соҳани таҳлил этувчиларнинг барчалари ҳам қадриятларни асосан моддий ва маънавий, умумбашарий (умуминсоний) ва миллий турларга бўладилар. Турли ёндашувларни эътиборга олган ҳолда қадриятлар турларининг қуйида келтирилган таърифларини таклиф этамиз. Моддий қадриятлар-табиат бойликлари ва инсоннинг онгли фаолияти натижасида яратилган моддий бойликлардир. Моддий қадриятлар кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, уларнинг аҳамияти катта бўлса-да, бундай қадриятлар инсондан ўзларига нисбатан юқори ақлий (рационал) ёндашувни талаб этмайди.

Маънавий қадриятлар – инсоннинг дунёқарашини белгилаб берувчи ва жамиятнинг маънавий эҳтиёжларига жавоб берувчи ахлоқий, эстетик, диний, ҳуқуқий, сиёсий ва илмий тасаввурлар, назарияларнинг мажмуасидир. Маънавий қадриятлар ўрганилаётган тадқиқот объектига боғлиқ тарзда ва юқорида қайд этилган шаклларга мос равишда ахлоқий, диний, эстетик, илмий, ҳуқуқий ва сиёсийларига ажратилиши мумкин.

Қадриятларнинг яна бир тури умуминсоний қадриятлардир. Уларнинг хусусиятларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- барча миллатлар, халқлар учун аҳамиятга эга бўлган;
- ҳамма тарихий даврлар ва ижтимоий тузумларга хос бўлган;
- барча халқлар томонидан яратилган қадриятларнинг элементларини ўз ичига олувчи <sup>24</sup>.

Умуминсоний қадриятлар маҳаллий хусусиятлари ва менталитетидан қатъий назар барча миллатлар ва халқлар учун ҳам қадрли ва аҳамиятли бўлган нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларни ўзига бирлаштиради. Бундай қадриятлар тарихий жараённинг барча босқичларида ҳам ва тараққиётнинг турли даврларида ҳам ўзининг қадрлилик хусусиятини сақлаб қолади. Масалан, тинчлик, эзгулик, миллатлараро дўстлик, экологик тозалик, ўзаро ҳурмат, гуманизм, демократия, қонун ва ҳ.к.лар ана шулар жумласидандир.

Қадриятларнинг юқорида қайд этилганларидан ташқари яна миллий тури ҳам мавжуд бўлиб, улар бевосита бирор-бир алоҳида олинган миллатга тегишли бўлган қадриятлар ҳисобланади. Тадқиқотчилар томонидан миллий қадриятлар турлича таърифланади. Масалан, Қ.Назаров уларнинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

-миллий қадриятлар кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён бўлади;

---

Эркинлаштириш жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши.Т.: Янги аср авлоди, 2004.-129-б.

-кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради ва улар учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади;

-моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян натижа сифатида юзага келади;

-ижтимоий ривожланиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади<sup>25</sup>.

Миллий қадриятларнинг ўзи ҳам бир неча шаклларга бўлинади:

- “миллатнинг генофонди, табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги;
- миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва маънавий мероси;
- миллий ҳудуд, моддий ва маданий яшаш шароитлари, иқтисодий асос ва ижтимоий устқурма билан боғлиқ жиҳатлар;
- урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик, улар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар;

миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллат онги ва миллий руҳ, миллий туйғулар ва ғоялар”<sup>26</sup>.

Миллий қадриятлар бўйича ўзига хос қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, юқорида келтириб ўтилган “Эркинлаштириш – жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши” (Т.: Янги аср авлоди, 2004) номли китобда улар қуйидагича таърифланади: “Миллий қадриятларга умумий тил, урф-одатлар, этносоциал хусусиятлар, кийиниш, турмуш, мулозаматдаги ўзига хослик, кишиларнинг ўзига хос руҳий-психологик сифатлари, санъатнинг миллий колорити, таълим-тарбиядаги миллийлик, амаллардаги ўзига хослик, тафаккур тарзи, ландшафтга мослашиш усулларидаги ўзига хос жиҳатлар киради”<sup>27</sup>. Миллий қадриятларнинг объекти миллатдир. Миллатнинг ривожланиши миллий қадриятларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Миллатнинг тарихида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгариш унинг қадриятлари тизимида ҳам ўзгаришларга олиб келади.

Давлатлар ва халқларнинг ўзаро алоқалари ва таъсирларининг кучайиши, маданий тасаввурларнинг ўзгариши, цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, анъаналар ва янгиликларнинг қисман қарама – қаршилиги, турмуш тарзида бир томондан замонавийликка (модернизм), иккинчи томондан анъанавийликка (традиционализм)

---

<sup>25</sup> Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология) .-Т.:Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. 93 -б.

<sup>26</sup> Уша жойда. 96-б.

<sup>27</sup> Эркинлаштириш жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши.Т.: Янги аср авлоди, 2004.-129-б.

интилиш, халқлар ва миллатлар маданияти, турмуш тарзининг бир хиллашиб бориши ва шу билан бирга миллий ўзликни англашга интилиш ва бошқа шу каби давримизнинг асосий ҳодисалари глобаллашув жараёнининг объектив мазмунини ташкил этади.

Ҳар қандай аксиологик динамиканинг ўзгариши жамият тараққиёти билан боғлиқ. Жамиятнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар табиийки, қадриятларни ҳам ўзгартиради. Аксиологик динамика ва ижтимоий динамика ўртасида диалектик алоқа бор. Бир томондан, ижтимоий тараққиёт қадриятларни ўзгартирса, иккинчи томондан қадриятларнинг ўзгариши жамиятни ўзгартиради. Бундан келиб чиқадики, қадриятлар умумий ва мавҳум нарсаси эмас. Қадриятлар жамият ва шахс учун қадрли, яъни аҳамиятга эгаллиги сабабли ҳам қадриятдир. Агар улар ўз аҳамиятини йўқотиб борса, уларнинг қадрият сифатидаги моҳияти ҳам йўқолиб боради. Жамият тараққиётининг ўтиш ва бурилиш давларида жамият томонидан албатта, қадриятларни қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш, даврнинг ўзгариши руҳида уларга янгича ёндашувлар пайдо бўлади. Бундай давларда қадриятларнинг тубдан ўзгариши, яъни трансформацияси юз беради.

Сўнгги вақтларда қадриятлар тизими доирасидаги ўзгаришлар жамият олдида янги муаммоларни қўймоқда. Уларни ҳал этиш учун глобаллашув шароитида турли маданиятга эга бўлган жамиятлар ва унинг аъзолари учун бирга ҳаёт кечиришнинг барчага мос келувчи тамойилларини ишлаб чиқиш масаласининг долзарблиги табиий.

Миллий-маънавий қадриятлар тизими глобаллашувнинг салбий таъсирларига қарши тура олиши мумкин бўлган асосий маънавий омиллардан бири бўлиб, айтилган пайтда бу омилнинг ўзи ҳам глобаллашувнинг таъсири остида қолмоқда. Бугунги глобаллашув замонида ҳар хил миллатларга тегишли бўлган ўзаро миллий қадриятларнинг диалогини ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар диалогини амалга ошириш имконияти долзарб муаммога айланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маданият ва қадриятларнинг яшовчанлиги уларнинг бошқа маданият ва қадриятлар билан мулоқотда бўла олиши, зарур бўлганда уларга қарши тура билиши, толерантлиги, мослашувчанлиги каби хусусиятлар билан белгиланади.

Қадриятлар шунинг учун ҳам қадриятки, улар юқорида санаб ўтилган хусусиятларига биноан бошқа қадриятларга ўрнини дарҳол бўшатиб бермайдилар. Улар диалог олиб боришга интиладилар. Бундай қадриятлар диалоги томонларнинг бир – биридан фарқли ва шу билан бирга ўзига хос белгиларини англаб етиши, ўзга маданиятни тан ола билиши, кўпчилик томонидан эътироф этилиши мумкин бўлган умуминсоний қадриятларни таклиф эта билиши, ҳамда ўз манфаатларига мос равишда

уларни ҳимоя қила олиши каби имкониятлар мавжуд бўлгандагина амалга ошиши мумкин.

## ХУЛОСА

Ҳозирги даврда Ўзбекистон тарихий туб бурилишлар ва ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти бир шаклдан иккинчи шаклга ўтмоқда. Жамиятнинг ҳозирги тараққиётини халқнинг турмуш тарзини тўла ўзгартираётган инқилобий қайта қуришлар даври сифатида тавсишlash мумкин.

Ушбу инқилобий ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- миллий маънавият ва маънавий қадриятларнинг тикланиши ва маданий – маънавий меросни ўрганиш имкониятининг юзага келиши;

- янги тарихий шароитда Шарқ анъаналари ва бу соҳадаги жаҳон илғор тажрибасининг синтези асосида ўзбек миллий давлатчилигининг ривожланиши;

- демократик жараёнларнинг тараққий этиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ролининг ортиб бориши.

Эътироф этилган омиллар асосида миллий ўзликни англаш жараёнининг тобора ривожланиб бориши ва унинг аҳамиятини глобаллашув шароитида ортиб бориши кузатилади. Миллий ўзликни англаш ҳозирги тобора глобаллашиб бораётган даврда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки миллатнинг ўзлигини англаши, тарихий миллий қадриятларини улуғлаши унинг глобаллашувнинг миллийликка хавф солиши мумкин бўлган салбий оқибатларидан ҳимояланишга имкон берадиган омиллардан биридир.

Миллий ўзликни англаш масаласи миллат билан боғлиқ муаммоларнинг негизи ҳисобланади. Бу масала доимо ижтимоий - фалсафий фанларнинг асосий муаммоларидан бири бўлган. Ҳар қандай инсон қайси миллатнинг вакили бўлмасин, энг аввало, у ўз миллатининг тарихи, хусусиятлари ва келажаги билан қизиқади. Ўзининг шахсий ҳаётини ундан ажралган ҳолда тасаввур эта олмайди. Унинг қалбида ўз миллатини севиш ва унга хизмат қилиш каби туйғулар мавжуд бўлади. Бу нарсалар

миллий психология ва миллий онгда ўз аксини топган бўлиб, уларсиз миллий онгнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Миллий ўзликни англаш жаҳондаги тараққий этган миллатлар қаторидан жой эгаллашнинг йўлларида биридир. Миллий ўзликни англаш миллат мавжудлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади, миллий манфаатларни ҳимоя қилади. Миллий манфаат эса миллат сақланиб қолишининг шартларидан биридир. Миллий ўзликни англаш ўзликни англашнинг асосий шакли. Ўзликни англаш ўзини бошқалар билан қиёслаш ва бошқалардан ажрата билиш орқали амалга ошади. Бу жараёнда миллий ўзликни белгилаб берувчи асосий белгилардан бири – миллий маданият ва маънавиятдир.

Миллий маданият ва маънавият асрлар давомида шаклланган ва ривожланиб келган, тарихий даврлар оша ўзини оқлаган ва синовдан ўтган қадриятларни, анъаналарни ўз ичига олади. Инсоннинг ўзлигини ва миллий ўзлигини англаши жамиятда ўз ўрнини идрок этиши, умумий маданий негизи, қадриятларини ҳал этиш, ижтимоий тарихий ва маънавий – маданий тараққиётда ўзининг яратувчанлик фаолиятини рационал ташкил этиш ҳамда бу жараёнларни бошқариш зарурлигини англаб етишидан иборат. Миллий муносабатлар, миллий қадриятлар тизимининг шаклланиши ва тараққиёти - миллий ўзликни англаш жаҳон цивилизацияси, бошқа халқларнинг маданияти ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқликда амалга ошиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-Китоб.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.:Ўзбекистон, 1997.
- 5.Бегматов А. МАънавият фалсафаси.2-китоб. Т., 2006. 57 б.
- 9.Жалолов А. Ўзбекистон мустақиллик, маънавият, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 6.Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.:Шарқ,2001.
- 10.Миллий гоя ва маънавият. -Т.: Маънавият, 2002.
- 11.Отамуратов С. Глобаллашувнинг фалсафий таҳлили.Ҳозирги замон фалсафаси:ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари.Академик Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишланади.Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари.Т , 2008.
- 12.Фалсафа. Қомусий луғат.-Т.:Шарқ, 2004.
- 13.Эркинлаштириш – жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши.Т.:Янги аср авлоди, 2004.
- 14.Юнусова М. Глобаллашув ва маънавият. Андижон ёшлари. 2010, № 38.
- 15.Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий қадриятлар // Жамият ва бошқарув. 2008, № 3. 6-10 б.
- 16.Юлдашева Ф. Глобаллашув назарияларининг фалсафий таҳлили. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети Илмий хабарнома. Научный вестник. 2009. № 1. 69-78 б.
- 17.Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий маънавият. Андижон: Ҳаёт, 2010.